

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК - МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 366.711:336.717.42 (575.1)**

КАРАЛИЕВ ШЕРБЕК ТЎРАБОЕВИЧ

**МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ФАОЛ ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2011

**Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бажарилган.**

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Маликов Тохир Сатторович.

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, доцент
Бобакулов Тулкин Ибодуллаевич,

иқтисод фанлари номзоди
Душаев Бахтиёр Мўминжонович

Етакчи ташкилот: Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

Химоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси хузуридаги
иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар
химояси бўйича Д.005.25.01. рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг
2011 йил «__» _____ соат ____ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кўчаси, 16-уй.

**Диссертация иши билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси кутубхонасида танишиш мумкин.**

Автореферат 2011 йил «__» _____ да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби, и.ф.д.**

Ф.И. Мирзаев

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозир давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунё мамлакатларининг молия-банк тизимида, реал сектор корхоналари фаолиятига жиддий таъсир кўрсатди. Ушбу салбий таъсирнинг оқибатларига барҳам бериш бюджет, фискал ва монетар сиёсатларнинг мазмунига, тактик мақсадларига сезиларли даражадаги ўзгаришлар киритилишига сабаб бўлди. Ушбу жараёнда Марказий банк томонидан амалга ошириладиган фаол пул-кредит сиёсатини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, пул-кредит сиёсати макроиқтисодий ўсиш барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади; иккинчидан, пул-кредит сиёсати глобал инқироз таъсирида ликвидлилигини йўқотиб қўйган банкларнинг жорий ликвидлилиги ва тўловга қобиллигини тиклаш имконини беради; учинчидан, Марказий банк пул-кредит сиёсати орқали инфляция даражасига бевосита таъсир кўрсатади.

Шу сабабли, республикада қабул қилинган ва 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда пул-кредит сиёсатини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, жорий бозор конъюнктураси кескин ёмонлашиб бораётган шароитда корхоналарнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида, маҳсулотларини экспорт қилаётган корхоналарга айланма маблағларни тўлдириш учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш жорий қилинди. Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бериладиган микрокредитларнинг йиллик фоиз ставкаси амалдаги 5 фоиздан 3 фоизга туширилди¹. Бу эса, ўз навбатида, пул-кредит сиёсатининг тактик мақсадларидан ички талабни рағбатлантириш мақсадида фойдаланиш, пул-кредит сиёсати инструментларининг мослашувчанлик даражасини ошириш заруриятини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда пул-кредит сиёсатининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, экспортёр корхоналар ва кичик бизнес субъектларига имтиёзли кредитлар беришни рағбатлантириш, ички талабни рағбатлантириш орқали инвестицион харажатларни молиялаштириш ҳажмини ошириш зарурлигини эътироф этдилар².

Таҳлилларимиз кўрсатишича, республикада Марказий банкнинг фаол пул-кредит сиёсатини шакллантириш борасида ечимини кутаётган айрим муаммолар мавжуд. Яъни, пул-кредит сиёсати инструментларининг мослашувчанлик даражаси пастлигича қолаётганлигини қайд этиш мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги ПФ-4051-сонли «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2008. - №46. – Б. 3-4.

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 33-35.

Жумладан, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2006 йилдан буён 14% даражасида ўзгармасдан 2011 йилнинг 1 январидан 12 фоизга туширилди. Бундан ташқари, марказлашган кредитларнинг тижорат банклари пассивлари ҳажмидаги салмоғи паст даражада қолмоқда. 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига, республикамизнинг йирик тижорат банклари пассивлари ҳажмида марказлашган кредитларнинг салмоғи атиги 1,4 фоизни ташкил қилди³.

Шунингдек, мамлакатимизда монетизация коэффиценти паст даражада қолмоқда. Хусусан, 2010 йилнинг якунида монетизация коэффиценти 21,0 фоизни ташкил қилди. Ҳолбуки, ушбу коэффицент ХВФ экспертлари тавсиясига кўра, камида 30 % бўлиши керак.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фаол пул-кредит сиёсати шакллантирилишини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги ушбу номзодлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш масалалари қатор хорижлик иқтисодчи олимлар - А.Шварц, Ж.Кейнс, М.Фридмен⁴, И.Фишер, Г.Кассел, Ж.Мид, Жан Матук, Ж.Флеминг, Л.Катао, Л.Красавина, М.Терронза, М.Пивоварова, М.Ершов, О.Лаврушин, П.Самуэльсон, Р.Манделл⁵, Р.Дорнбуш, Р.Маккиннон, С.Фишер, Ф.Махлуп⁶лар томонидан тадқиқ этилган ва муҳим илмий-амалий хулосалар шакллантирилган.

М.Фридмен рестрикцион пул-кредит сиёсатини амалга оширишни таклиф қилган бўлса, Ж.Кейнс тўловга қобиллик талабини рағбатлантиришга қаратилган экспансионистик пул-кредит сиёсатини қўллаш шарт-шароитларини асослаб берган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.Вахабов, Т.Бобакулов, Н.Жумаев, О.Намозов, Р.Шомуродов, Б.Душаевлар⁷нинг илмий ишларида ушбу масаланинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган.

Т.Бобакулов ўзининг илмий изланишларида пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиққан. О.Намозов эса,

³ ТИФ Миллий банки, Саноатқурилишбанк, Асакабанк, Ипотекабанк, Агробанкнинг баланс маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

⁴ Фридмен М. Если бы деньги заговорили. пер. с англ. – Москва: Дело, 1999. – 160 с.

⁵ Mundell R.A. The monetary dynamics of international adjustment under fixed and flexible exchange rates *FF Quarterly Journal of Economics* 74 (2). May 1960. p. 227-257.

⁶ Machlup F. International payments, debts, and gold. – London: George Allen & Unwin, 1966. p. 7-50.

⁷ Вахабов А.В., Худякова Н.К. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. В 2-х т. – Ташкент: Университет, 2003. Т. 1. 53 – 76. с.; Намозов О.Ш. Монетарная политика в переходной экономике: концептуальные подходы и программные направления /на примере Республики Узбекистан /: автореферат на соис. учен. степ. докт. эк. наук. – Ташкент, 2001. –22-53 с.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. Монография. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2007. – 28-38; 87-96 б.; Бобакулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2007. – 184 б.; Душаев Б.М. Монетарная политика: – Ташкент: Iqtisod-Moliya, 2005. –120 с.

пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг концептуал асосларини тадқиқ қилган.

Умуман иқтисодий адабиётда Марказий банкнинг Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш жараёнида фаол пул-кредит сиёсатини шакллантириш масаласи мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан мустақил тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаган.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фаол пул-кредит сиёсатини шакллантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- пул-кредит концепцияларини таҳлил қилиш ва гуруҳлаш;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида марказий банклар томонидан амалга оширилаётган пул-кредит сиёсатини таҳлил қилиш ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- тараққий этган мамлакатлар марказий банкларининг фаол пул-кредит сиёсатини шакллантириш борасидаги илғор тажрибаларини таҳлил қилиш ва улардан Ўзбекистон амалиётида ижодий фойдаланиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни шакллантириш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг амалдаги ҳолатини баҳолаш ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фаол пул-кредит сиёсатини шакллантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки олинган.

Пул-кредит сиёсатини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган молия муносабатлари тадқиқотнинг предметини ташкил қилади.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда индукция ва дедукция, молиявий таҳлилни гуруҳлаш, таққослаш, таркибий, қиёсий, трендли, омилли таҳлил ва молиявий коэффициентлар усуллари қўлланилди.

Тадқиқот гипотезаси. Тадқиқот ишини бажариш жараёнида олинган илмий натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши Ўзбекистон Республикаси пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- иқтисодий адабиётдаги пул-кредит концепцияларининг амалий аҳамиятини баҳолаш асосида илмий-назарий хулосалар шакллантирилди;
- пул-кредит сиёсатининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида юзага келган ўзига хос хусусиятлари аниқланди;
- тараққий этган мамлакатлар марказий банкларининг пул-кредит сиёсати тажрибаларини таҳлил қилиш асосида, монетар инструментларнинг

мослашувчанлик (эгилувчанлик) даражасини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг замонавий ҳолатига хос бўлган тенденциялар аниқланди;

- пул массасининг ўсиш суръатлари барқарорлигини таъминлаш йўллари таклиф қилинди;

- тижорат банкларига гаровли ссудалар бериш ва валютавий своп операцияларидан доимий тарзда фойдаланиш орқали Марказий банкнинг валюта сиёсатини такомиллаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди;

- республика Марказий банкининг фаол пул-кредит сиёсатини шакллантириш мақсадида номинал фоиз ставкасидан пул-кредит сиёсатининг индикатори сифатида фойдаланиш ҳамда монетар инструментлар ўртасидаги узвий алоқадорликни таъминлаш таклиф қилинди.

Илмий янгилиги:

- етакчи пул-кредит концепцияларининг замонавий пул-кредит сиёсатини шакллантиришдаги амалий аҳамиятига баҳо берилди;

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида марказий банклар пул-кредит сиёсати мазмуни, тактик мақсадларида содир бўлган ўзгаришлар аниқланди;

- тараққий этган мамлакатлар марказий банкларининг фаол пул-кредит сиёсатини шакллантириш тажрибаларидан республикамиз амалиётида ижобий фойдаланишга қаратилган амалий тавсиялар шакллантирилди;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг ҳолати баҳоланди ва ривожланиш тенденциялари аниқланди;

- Марказий банкнинг фаол пул-кредит сиёсатини шакллантириш йўналишлари асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундан иборатки, унинг илмий таклиф ва амалий тавсияларидан пул-кредит сиёсатининг назарий, амалий ва услубий асосларини чуқур тадқиқ этишга бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаол пул-кредит сиёсатини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Пул, кредит ва банклар», «Банк иши», «Монетар сиёсат» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва ўқитиш жараёнида қўлланилиши мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертация ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан (2008 йил 20 октябрдаги 42-15/151-сонли далолатнома) амалиётда қўллаш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий ғоя ва хулосалари «Актуальные вопросы укрепления капитальной базы коммерческих банков»

(Москва, 2003), «Ўзбекистон Республикаси молия ва банк тизимини ривожлантириш масалалари» (Тошкент, 2006), «Развитие розничного банковского бизнеса» (Ташкент, 2007), «Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане» (Москва, 2008) мавзуларида ўтказилган халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маърузалар кўринишида баён қилинган ва маъқулланган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази», Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг мазмуни ва асосий натижалари олтита илмий мақола ва тезислар кўринишида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши таркибий жиҳатдан кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матни 125 бетни ташкил этиб, еттита расм ва 10 та жадвални ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг биринчи бобида пул-кредит сиёсатининг назарий асослари ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида пул-кредит сиёсатига хос бўлган хусусиятлар тадқиқ қилинган.

Ж.Кейнс ва унинг тарафдорлари пул-кредит концепцияларида асосий эътиборни бюджет сиёсати дастакларидан фаол ва устувор тарзда фойдаланишга қаратганлар. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, Иккинчи жаҳон урушига қадар ва 50-йиллар давомида мазкур концепция жиддий қаршиликларга учрамади. Аммо, XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, монетаристик пул назариялари қоидалари кейнсча концепциянинг асосий қоидаларини инкор қила бошлади.

Кейнсчилик мактаби вакиллариининг мустақил пул-кредит сиёсатига нисбатан салбий муносабатида Ж.Кейнснинг макроиқтисодий таҳлил монетар бўлиши мумкин эмас, деган хулосасига асосланади. Ж.Кейнснинг фикрига кўра, тармоқ ёки алоҳида олинган корхонани ўрганишда фойдаланиладиган ресурслар умумий миқдорини ўзгармас миқдор сифатида кўриб чиқишни тақозо қилади. Бунда бошқа тармоқлар ва корхоналарнинг шароитлари ўзгармасдан қолади, деган мулоҳазага асосланилади. Бунда пул тавсифи муҳим аҳамиятга эга бўлмайди. Айни вақтда, ишлаб чиқаришнинг ва бандликнинг умумий ҳажмини белгиловчи омилларни аниқлашда монетар ёндашув зарур бўлиб қолади.⁸

⁸ Keynes J.M. Investment strategy and the monetary business cycles – NY. Ets.: Willey, 1990. - P. 301.

Фикримизча, Ж.Кейнснинг умумий талаб ишлаб чиқаришни белгилайди, ишлаб чиқаришнинг даражаси эса, тўлиқ бандликка эришиш учун етарли бўлмаслиги мумкин, деб ҳисоблаши юқорида қайд этилган ҳулосанинг шаклланишига имкон берган. Бунда пуллар стратегик рол ўйнайди ва умумий талабни аниқлашга имкон беради: пул миқдорининг етишмаслиги ёки ортиқчалиги мувофиқ тарзда ишсизликни ёки инфляцияни юзага келтириши мумкин.

Тегишли манбаларни ўрганиш натижасида кейнсча концепциянинг асосий қоидаларидан бири пулларга бўлган талаб ва таклифни фоиз ставкалари белгилайди, деган қоида муҳим эканлигига гувоҳ бўлди. Ж.Кейнснинг фикрига кўра, тадбиркорлар капиталнинг маржинал самарадорлиги кредитнинг фоиз ставкасига тенглашгунга қадар инвестицияни амалга ошираверадилар. Бундай шароитда умумий даромадни ўсиши инвестицияни ўсишига боғлиқ бўлади. Шу сабабли, давлат муомаладаги пул миқдорини ўзгартириш йўли билан даромадларнинг ўсиш суръатига таъсир этиш имкониятига эга.

Пул-кредит сиёсати, илмий-назарий ва услубий жиҳатдан олиб қаралганда, конъюнктуравий сиёсатнинг такомиллашган инструменти бўлиши лозим. Аммо Ж.Кейнс марказий банкларнинг фоиз ставкаларини тез-тез ўзгартириб туриш имкониятига унчалик ишонмади. Ж.Кейнс тарафдорлари пул-кредит сиёсатининг самарасизлиги омиллари таҳлилини кучайтирдилар ва бу омиллар иккиёқлама мазмунга эга, деган ҳулосага келдилар. Бир томондан, банк тизими пул массасини тез ва самарали бошқариш имконига эга эмас; иккинчи томондан, умумий талаб таҳлили пул массасини зарур ўзгаришлари хусусидаги саволга аниқ жавоб бера олмайди⁹.

М.Фридмен иқтисодий адабиётда биринчи бўлиб, муомаладаги пул массасининг қатъий белгиланган ўсиш суръатларини жорий этиш ва уни Марказий банк томонидан оралиқ меъёр сифатида назорат қилишнинг зарурлигини илмий жиҳатдан асослаб берди. У дастлаб пул массасининг йиллик 3-5 фоиз атрофида ўсишини белгилаб олишни ва унга риоя этиш тадбирларини амалга оширишни таклиф қилган. Унинг фикрига кўра, пул массасининг ушбу миқдорда ўсиши иқтисодиётда иқтисодий фаолликни кучайтиради. Пул таклифининг ўсиши йилига 3-5 фоиздан юқори бўлса, унда инфляция ўса бошлайди, агар, иқтисодиётда пул таклифининг ўсиши 3-5 фоиздан кам бўлса, ЯММнинг ўсиш суръати пасая бошлайди.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунё мамлакатларида амалга оширилаётган пул-кредит сиёсатининг мазмуни ва тактик мақсадларида жиддий ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди. Хусусан, Марказий банкларга очиқ бозор сиёсати доирасида қимматли қоғозларни бевосита эмитентнинг ўзидан сотиб олишга рухсат этилди. Шунингдек, Марказий банклар томонидан тижорат банкларига бериладиган кредитларнинг муддати узайтирилди. Бунда марказлашган кредитлар

⁹ Кейнс. Дж. М. Избранные произведения. — М.: Экономика, 1993. — 72 с.

тижорат банклари фаолиятини молиялаштириш манбаига айланиб қолмаслиги керак, деган қоида ўз аҳамиятини йўқотди.

Тадқиқотнинг иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг амалдаги ҳолати таҳлил қилинди, баҳоланди ва мавжуд тенденциялар аниқланди.

Республикаимиз банк амалиётида Марказий банк кредитлари 2003 йилга қадар тижорат банклари фаолиятини молиялаштиришнинг доимий манбаига айланиб қолган эди. Аммо, ҳозирги даврда марказлашган кредитларнинг миқдори жуда кичик (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси йирик тижорат банклари томонидан олинган марказлашган кредитларнинг кредит қўйилмаларига нисбатан салмоғи¹⁰

Тижорат банклари	Молиявий йилларнинг 31 декабрь ҳолатига, (фоизда)					
	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Ташқи иқтисодий фаолият						
Миллий банки	1,9	1,6	1,3	1,2	13,1	6,4
ДАТ Асакабанк	2,2	1,5	0,9	0,9	0,4	0,1
ОАТ Саноатқурилишбанки	41,1	28,6	21,1	15,1	13,0	7,4
ОАТ Агробанк	26,0	11,3	6,0	6,0	3,4	3,7
ОАТ Қишлоқ қурилиш банки	40,2	29,0	32,2	30,7	26,8	19,7

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, республикаимиз тижорат банклари пасивларининг умумий ҳажмида марказлашган кредитлар кичик салмоқни эгаллайди. Бу эса, Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати орқали тижорат банклари кредитлари ва депозитларининг фоиз ставкаларига таъсир этиш имконини чеклаб қўяди ҳамда инвестицияларни молиялаштиришга салбий таъсир кўрсатади.

Шуниси характерлики, қатор МДХ мамлакатларида мажбурий захира ставкаларини пасайтириш сиёсати олиб борилмоқда. Масалан, Россия Федерациясида 2009 йилнинг 31 октябридан бошлаб, Марказий банкнинг мажбурий захира ставкаси 2,5 % қилиб белгиланди¹¹.

Қозоғистон Миллий банкининг мажбурий захира ставкаси 2010 йил давомида ўзгармасдан қолди ва у қуйидагича белгиланган:

- тижорат банкларининг ички мажбуриятлари бўйича – 1,5 %;
- банкларнинг бошқа мажбуриятлари бўйича – 2,5 %¹².

Еврозона мамлакатларида Европа Марказий банки томонидан мажбурий захира ставкаси 2 % даражасида белгиланган. АҚШ, Япония, Швеция, Буюк Британия, Канада мамлакатларида эса мажбурий захира сиёсатидан пул-кредит сиёсати инструменти сифатида фойдалаётгани йўқ. Бу эса, ўз навбатида, мазкур мамлакатларда пул-кредит сиёсатининг дисконт

¹⁰ Мазкур банкларнинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

¹¹ “<http://www.cbr.ru/statistics/2010/prtid>” сайти маълумотлари.

¹² hq@nationalbank.kz сайти маълумотлари.

сиёсати, валюта ва очик бозор сиёсати каби инструментларидан фойдаланиш амалиётининг такомиллашганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикасида мажбурий захира сиёсатининг амалдаги ҳолатига баҳо бериш учун 2-жадвал маълумотларидан фойдаланамиз.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира ставкалари¹³

Депозит тури	Йиллар						2010 йилда 2005 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п.
	2005	2006	2007	2008	2009	2010	
Трансакцион депозитлар	15	15	13	15	15	12,5	- 2,5
Жамғарма депозитлари	15	15	13	15	15	12,5	- 2,5
Муддатли депозитлар	15	15	13	15	15	12,5	- 2,5
Хорижий валютадаги депозитлар	8	8	13	15	15	12,5	4,5

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2005-2010 йиллар мобайнида республика Марказий банкининг тижорат банклари депозитларига нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкалари даражаси сезиларли даражада пасайди. Бу эса, банкларнинг ресурс салоҳияти ва ликвидлилигига ижобий таъсир кўрсатади.

Таҳлил қилинаётган даврда хорижий валюталарда жалб этилган депозитларга нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкаси сезиларли даражада ошди. Бу эса, республикада банкларига хорижий валюталарни депозитлар сифатида жалб этишга салбий таъсир кўрсатади. Чунки, мажбурий захира ставкаси юқори бўлган шароитда тижорат банки хорижий валюталардаги депозитларга тўланадиган фоизлар ставкасини ошира олмайди.

Ўзбекистон Республикасида 2009 йил 28 июлдан бошлаб, мажбурий захира ставкалари депозитларнинг муддатига қараб қуйидагича табақалаштирилди: 1 йилгача бўлган депозитлар учун – 15 фоиз; 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12 фоиз; 3 йилдан кўп муддатга жалб қилинган депозитлар учун – 10,5 фоиз.

Марказий банк очик бозор операциялари орқали тижорат банклари ликвидлилигига ва муомаладаги пул массасининг ўсиш суръатларига бевосита таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, Марказий банкнинг очик бозор операциялари ҳажмини ошириш тижорат банкларининг юқори ликвидли қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари миқдорига боғлиқ. Одатда, Марказий банк очик бозор операциялари объектлари мажмуини молиявий йил бошланишидан олдин эълон қилади.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг даврий эълон қилинган маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг очик бозор операциялари объектлари бўлиб, давлат қисқа муддатли облигациялари ва ўрта муддатли хазина мажбуриятлари ҳисобланади. Шу сабабли, Марказий банкнинг очик бозор операциялари ҳажмини ошириш бевосита давлат қимматли қоғозлари эмиссия ҳажмига боғлиқ.

3-жадвал

Ўзбекистон тижорат банклари активлари таркибида ҳукумат қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг салмоғи ва даражаси¹⁴

Кўрсаткичлар	Йиллар						2010 йилда 2005 йилга нисбатан ўзгариши
	2005	2006	2007	2008	2009	2010	
1. Тижорат банкларининг брутто активлари, %	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	х
2. Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг банкларнинг брутто активлари ҳажмидаги салмоғи ўзгариши, %	0,7	0,7	0,7	0,6	0,5	0,4	- 0,3 ф.п.

3-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2005-2010 йилларда республикамиз тижорат банклари активлари ҳажмида ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар салмоғи кичик бўлган. Бу эса, мамлакатимиз Марказий банки очик бозор операцияларининг ривожланиш даражаси сезиларли даражада паст эканлигидан далолат беради.


Таҳлил қилинаётган давр мобайнида тижорат банклари активлари ҳажмида ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари салмоғи кўрсаткичининг пасайиши кузатилган.

Макроиктисодий монетар индикаторлар динамикасини таҳлил қилиш Марказий банк пул-кредит сиёсатининг фаоллик даражасига янада аниқроқ баҳо бериш имконини беради. Таҳлил жараёнида макроиктисодий монетар индикаторлар ўртасидаги мувофиқликка ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

1-расм маълумотларидан кўринадик, 2005-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси ўзгармасдан қолди. Бу эса, мазкур инструментнинг эгилувчанлик даражаси паст эканлигидан далолат беради.

Таҳлил қилинаётган давр мобайнида тижорат банклари кредитларининг йиллик ўсиш суръати сезиларли даражада юқори бўлганлигини кузатиш мумкин. Бу, қайта молиялаш ставкасининг барқарорлиги ва инфляциянинг белгиланган прогноз даражасида жиловланганлиги билан изоҳланади.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йиғма ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси, тижорат банклари кредитларининг йиллик ўсиш суръати ва инфляциянинг йиллик даражаси¹⁵, %

Тижорат банклари кредитларини макроиктисодий ўсишни таъминлашдаги ролини ошириш уларнинг фоиз ставкаларига нисбатан паст ва барқарор бўлишини тақозо этади. Чунки, фоиз ставкаси кредитнинг баҳоси ҳисобланади. Унинг даражаси қанчалик юқори бўлса, кредит шунча қиммат бўлади ва ундан фойдаланувчилар сони камаяди. Бу эса, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини оширишга тўсқинлик қилади.



2-расм. Ўзбекистон Республикасида монетизация коэффициенти, сўмдаги депозитларнинг ўсиш суръати ва мажбурий заҳира ставкаси¹⁶

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

2-расм маълумотларидан кўринадик, Марказий банкнинг сўмдаги депозитлар бўйича мажбурий захира ставкаси юқори даражада бўлсада, тижорат банклари сўмдаги депозитларининг ўсиш суръатлари барқарор даражада қолаётганлиги кузатилади. Бу эса, аҳолининг банклардаги омонатлари ўсиш суръатининг юқори эканлиги билан изоҳланади. 2010 йилда аҳолининг тижорат банкларидаги омонатлари миқдорининг ўсиш суръати 2006 йилга нисбатан 6,6 мартани ташкил қилди.

2005-2010 йилларда республикада инфляцияни жиловлашга ва унинг барқарор даражасини таъминлашга муваффақ бўлинди. Ушбу омил банкларнинг кредитлаш амалиётига ва ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатди.

3. ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида қуйидаги **илмий хулосалар** шакллантирилди:

1. Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, Ж.М.Кейнснинг қуйидаги илмий хулосалари ҳозирги замон амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади:

– пулларга бўлган талаб ва фоиз ставкаси ўртасидаги ўзаро муносабат беқарор кўрсаткич ҳисобланади, чунки, фоизнинг «мўътадил» ставкаси миқдори индивидуумнинг ўзига боғлиқ ва турли вақт оралиқларида ҳар хил ҳолатлар таъсирида ўзгариб туради. Ушбу беқарорлик туфайли, молия органлари фоиз ставкаларининг мақбул даражасига эришишда пул массасини зарур даражада ўзгартириш учун етарли бўлган оралиқ меъёрларини танлаб ололмайди. Агар бунга фоиз ставкаси ва умумий талаб ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги ноаниқлик қўшилса, унда бюджет инструментларига асосий эътибор қаратишнинг асослилиги намоён бўлади;

– маълум шароитларда фоиз ставкаси етарли даражада эластик бўлмай қолиши мумкин. Масалан, молия органлари фоиз ставкаларини пасайтиришга ҳаракат қилганларида маълум даражадаги қийинчиликларга дуч келишлари мумкин. Ушбу қийинчиликлар муомаладаги пул массасининг сезиларли даражада ўсиши фоиз ставкаларига нисбатан заиф тарзда таъсир қилганда юзага келади, яъни, пулларга бўлган талабнинг фоиз ставкаларига нисбатан эластиклик даражасининг пастлиги «мўътадил» фоиз ставкаси тўғрисидаги, шунингдек, қимматли қоғозлар бозор курси кўзда тутилган эволюцияси хусусидаги тасаввурларнинг ўзаро кескин фарқланишига олиб келади.

2. XX аср 90-йилларининг охирида АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида юз берган циклик тебранишлар, муомаладаги пул массасининг кескин тебранишлари монетаризм вакиллариининг пуллар таклифи хусусидаги концепцияси амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Хусусан, уларнинг пул массасининг узок давр мобайнида ўзгариши юқори ликвидли пул массаси ўзгариши билан белгиланиши, қисқа муддатли даврий оралиқларда пул массаси ўзгариши иқтисодий фаолликнинг

тебраниши билан белгиланиши, аксинча, агар иқтисодий фаоллик барқарор бўлса, пул массасининг циклик тебранишлари асосан аҳоли омонатлари таркибининг ўзгариши билан белгиланиши ўзининг амалий исботини топди.

3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида марказий банкларнинг пул-кредит сиёсатида юз берган қуйидаги муҳим ўзгаришлар аниқланди:

- марказий банклар томонидан тижорат банкларига бериладиган марказлашган кредитларнинг муддати узайтирилди ва ҳажми оширилди;
- марказий банкларнинг қайта молиялаш ставкаси пасайтириб борилди;
- марказий банклар очик бозор операцияларининг объектлари ва ломбард кредитлари гаров таъминотининг сони оширилди;
- қатор ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида марказий банклар томонидан банк тизимини шакллантирувчи етакчи тижорат банкларига субординар кредитлар бериш амалиёти жорий қилинди.

4. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари пасивлари умумий ҳажмида марказлашган кредитларнинг жуда кичик салмоққа эга эканлиги Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати орқали тижорат банклари кредитлари ва депозитларининг фоиз ставкаларига таъсир этиш имкониятини чеклаб қўяди.

5. 2005-2010 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари депозитларига нисбатан белгилаган мажбурий захира ставкаларининг сезиларли даражада пасайганлиги банкларнинг ресурс базаси ва ликвидлилигига ижобий таъсир кўрсатди. Аммо, мажбурий захира ставкалари юқорилиги туфайли, мажбурий захира талабномаларининг тижорат банклари депозит базасига нисбатан салбий таъсири сақланиб қолмоқда.

6. 2005-2010 йилларда республикаимиз тижорат банклари активлари ҳажмида ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари салмоғи кичик бўлганлиги аниқланди. Бу эса, мамлакатимиз Марказий банкининг очик бозор операциялари ҳажмини ошириш имконини бермайди.

7. Таҳлил қилинган даврда монетизация коэффиценти даражаси ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги макроиқтисодий ўсишни таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорликни қисқартириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Лекин, монетизация коэффицентининг амалдаги даражаси унинг халқаро амалиётда қабул қилинган меъёрий даражасидан сезиларли даражада паст ҳисобланади.

8. 2005-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг ўзгармасдан қолганлиги ушбу инструментнинг эгилувчанлик даражаси паст эканлигидан далолат беради. Мазкур давр мобайнида тижорат банклари кредитларининг йиллик ўсиш суръати сезиларли даражада юқори бўлганлиги қайта молиялаш ставкасининг барқарорлиги ва инфляциянинг белгиланган прогноз даражасида жиловланганлиги билан изоҳланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаол пул-кредит сиёсатини шакллантириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммолар аниқланди:

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки экспансионистик пул-кредит сиёсатини амалга ошириш орқали унинг ички талабни рағбатлантиришдаги ролини оширишнинг талаб даражасида эмаслиги;

– иқтисодий адабиётда етакчи пул-кредит концепциялари ҳисобланган монетаризм ва кейнсчилик назарий оқимларининг асосий қоидаларидан пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқишида фойдаланилмаётганлиги;

– тижорат банкларининг кредитлаш имконияти сезиларли даражада чегаралаб қўйилганлиги;

– республика тижорат банклари барқарорлиги ва тўловга қобиллиги таъминланишидаги камчиликларнинг мавжудлиги;

– кредит мультипликаторининг тебраниши билан боғлиқ бўлган услубий муаммо.

Диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаол пул-кредит сиёсатини шакллантиришга қаратилган қуйидаги **илмий таклиф ва амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаол пул-кредит сиёсатини шакллантириш мақсадида «арзон пуллар сиёсати»ни юритиш орқали, унинг ички талабни рағбатлантиришдаги ролини ошириш зарур.

2. Аҳоли қўлидаги вақтинчалик бўш пул маблағларини банк муассасаларига кенг қўламда жалб қилиш йўли билан уларнинг инфляцион манба сифатидаги ролини пасайтириш мақсадида аҳоли омонатларини индексация қилиш тизимини жорий қилиш лозим.

Фикримизча, омонатларни индексация қилиш инфляцияга икки йўналишда таъсир кўрсатади: биринчидан, инвестицияларни молиялаштиришнинг ноинфляцион манбалари ўсишига имконият яратади; иккинчидан, номинал фоиз ставкалари ўсишига йўл қўймасликка ёрдам қилади.

3. Пул массасининг ўсиш суръатлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида тижорат банклари кредит қўйилмаларининг ўсиш суръатлари барқарорлигини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорликни қисқартириш ва пулнинг айланиш тезлигини ошириш лозим.

4. Марказий банкнинг валюта сиёсати доирасида тижорат банкларига гаровли ссудалар бериш ва валютавий своп операцияларидан доимий тарзда фойдаланиш орқали пул-кредит сиёсати таъсирчанлигини ошириш зарур.

5. Номинал фоиз ставкасидан монетар индикатор сифатида фойдаланиш йўли билан пул-кредит сиёсатининг ички талабни рағбатлантиришдаги ролини ошириш зарур. Чунки, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсати инструментлари орқали тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларига таъсир қила олади; иккинчидан, Марказий банк тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари

тўғрисидаги маълумотларни тижорат банкларидан исталган вақтда талаб қилиб олиш имкониятига эга; учинчидан, республикамизга катта миқдорда инвестициялар жалб этилаётганлиги тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлаш заруриятини юзага келтиради.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Каралиев Ш.Т. Тижорат банклари капитали етарлилигини таъминлаш // Бозор, пул ва кредит, – Тошкент, 2003. - № 2 – Б. 13-14.
2. Каралиев Ш.Т. Актуальные вопросы укрепления капитальной базы коммерческих банков // Шестнадцатые международные Плехановские чтения Тезисы докладов. – Москва, 2003. – С. 194-195.
3. Каралиев Ш.Т., Алматов Х. Марказий банк пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг моҳияти// Ўзбекистон Республикаси молия ва банк тизимини ривожлантириш масалалари конференцияси материаллари. – Тошкент, 2006. – Б. 38-39.
4. Каралиев Ш.Т. Аҳоли омонатларини индексациялашнинг зарурлиги // Развитие розничного банковского бизнеса. Материалы международной конференции. – Ташкент: 2007. – С. 122-123.
5. Каралиев Ш.Т. Пул муомаласини бошқаришнинг айрим муаммолари // Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане. Материалы международной конференции. – Москва, 2008. – С. 284-286.
6. Каралиев Ш.Т. Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида пул-кредит сиёсатининг айрим жиҳатлари // Молия. – Тошкент, 2009. - №2 – Б. 42-44.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Каралиев Шербек Тўрабоевичнинг 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги бўйича «Марказий банкнинг фаол пул-кредит сиёсатини шакллантириш масалалари» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: монетар сиёсат, ҳисоб ставкаси, ломбард ставкаси, қайта ҳисобга олиш контингенти, мажбурий захира, ликвидлилик, пул массаси, пул агрегати, инфляция, субординар кредит, депозит, капитал.

Тадқиқот объекти: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.

Тадқиқот мақсади: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фаол пул-кредит сиёсатини шакллантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: индукция ва дедукция, молиявий таҳлил, гуруҳлаш, таққослаш, таркибий, қиёсий, трендли, омилли таҳлил ва молиявий коэффициентлар.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: пул-кредит концепцияларининг замонавий пул-кредит сиёсатини шакллантиришдаги амалий аҳамиятига баҳо берилди; жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида марказий банклар пул-кредит сиёсати мазмуни, тактик мақсадларида содир бўлаётган ўзгаришлар аниқланди; тараққий этган мамлакатлар марказий банкларининг фаол пул-кредит сиёсатини шакллантириш тажрибаларидан республикамиз амалиётида фойдаланишга қаратилган илмий тавсиялар шакллантирилди; Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг амалдаги ҳолати баҳоланди ва ривожланиш тенденциялари аниқланди; мамлакат Марказий банкнинг фаол пул-кредит сиёсатини шакллантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаол пул-кредит сиёсатини шакллантириш бўйича чоратadbирлар тизимини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Пул, кредит ва банклар», «Халқаро валюта-кредит муносабатлари» ва «Монетар сиёсат» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш соҳаси: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, олий ўқув юртлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Каралиева Шербека Турабаевича на тему: «Вопросы формирования активной денежно-кредитной политики Центрального банка» представленной на соискание учёной степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.07 – «Финансы, денежное обращение и кредит»

Ключевые слова: монетарная политика, учётная ставка, ломбардная ставка, контингент учёта, обязательный резерв, ликвидность, денежная масса, денежный агрегат, инфляция, субординарный кредит, депозит, капитал.

Объект исследования: Центральный банк Республики Узбекистан.

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций по формированию активной денежно-кредитной политики Центрального банка Республики Узбекистан.

Методы исследования: индукция и дедукция, финансовый анализ, группировка, сравнительный, структурный, трендовый, факторный анализ и финансовые коэффициенты.

Полученные результаты и их научная новизна: дана оценка практическому значению денежно-кредитных концепций в формировании современной денежно-кредитной политики; выявлены изменения в содержании, тактических целях денежно-кредитной политики в условиях мирового финансово-экономического кризиса; сформулированы научные рекомендации, направленные на использование передового опыта центральных банков развитых стран в области формирования активной денежно-кредитной политики в практике республики; дана оценка современному состоянию денежно-кредитной политики Центрального банка Республики Узбекистан и выявлены тенденции её развития; разработаны научные предложения и практические рекомендации, направленные на формирование активной денежно-кредитной политики Центрального банка страны.

Практическая значимость: результаты исследования можно использовать при разработке системы мер по формированию активной денежно-кредитной политики Центрального банка Республики Узбекистан.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования приняты для практического использования Центральным банком Республики Узбекистан.

Материалы диссертации могут быть использованы в процессе совершенствования учебных программ и в преподавании курсов «Деньги, кредит и банки», «Международные валютно-кредитные отношения» и «Монетарная политика» в высших учебных заведениях.

Область применения: Центральный банк Республики Узбекистан, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of Karaliev Sherbek Turabaevich on the academic degree competition of the candidate of economic science, on speciality 08.00.07 - «the Finance, monetary circulation and the credit», subject: «Formation questions an active monetary and credit policy of the Central bank»

Key words: the monetary policy, a discount rate, the pawn rate, an account contingent, an obligatory reserve, liquidity, monetary weight, the monetary unit, inflation, the subordinary credit, the deposit, the capital.

Subject of research: the Central bank of Republic Uzbekistan.

Purpose of work: working out of scientific offers and practical recommendations about formation of an active monetary and credit policy of the Central bank of Republic Uzbekistan.

Methods of research: an induction and deduction, methods of grouping, comparative, structural, трендового, the factorial analysis and a method of financial factor.

The results obtained and their novelty: the estimation is given practical value of leading monetary and credit concepts; are revealed changes in the maintenance, tactical targets of a monetary and credit policy in the conditions of world financial and economic crisis; the recommendations, directed on application of experience of the central banks of the developed countries in the field of formation of an active monetary and credit policy in republic practice are formulated; the estimation is given a modern condition of a monetary and credit policy of the Central bank of Republic Uzbekistan, tendencies are revealed; tendencies of formation of an active monetary and credit policy of the Central bank of Uzbekistan are proved.

Practical value: results of research can be used by working out of measures on formation of an active monetary and credit policy of the Central bank of Republic Uzbekistan.

Degree of embed and economic effectivity: results of research are accepted for practical use by the Central bank of Republic Uzbekistan.

Dissertation materials can be used at teaching of training courses «Money, the credit, banks», «the International currency-credit relations», «the Monetary policy».

Field of application: the Central bank of Republic Uzbekistan and higher educational institutions.

Тадқиқотчи: _____